

ТОШКЕНТ ШАҲАР СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИ АЖРИМИ

2021 йил март ойининг 25 куни Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанцияси судлов ҳайъати ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи судья З.Нурматов, судлов ҳайъати судьялари А.Шамсутдинова ва З.Камоловдан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси Ж.Бахтиёровнинг котиблигида, томонлардан Тошкент шаҳар прокуратурасининг бўлим бошлиғи ўринбосари Х.Назаров, маҳкум АБВ ва унинг ҳимоячиси адвокат Т.Уразовнинг ҳамда ёшлар иттифоқи вакили Д.Тожалиевнинг иштирокида, жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Чилонзор туман судининг 2021 йил 5 мартдаги ажримига кўра,

АБВ, 1994 йил 30 август куни Сурхондарё вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, бўйдоқ, вақтинча ишсиз, муқаддам судланмаган, Тошкент шаҳар, Миробод тумани, номалум мавзеси, 4-уй, 17-хонадонда яшовчига

нисбатан чиқарилган ажрим устидан маҳкум АБВнинг ҳимоячиси адвокат Т.Уразов томонидан келтирилган апелляция шикоятига асосан иш материални апелляция тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Чилонзор туман судининг 2021 йил 5 мартдаги ажримига кўра, Тошкент шаҳар Чилонзор тумани ИИО ФМБ бошлиғи томонидан келтирилган тақдимнома қаноатлантирилиб, АБВга нисбатан жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Учтепа туман судининг 2020 йил 25 майдаги ҳукмига асосан тайинланган 4 йил 8 ой 4 кун озодликни чеклаш жазосининг ўталмаган 3 йил 11 ой 23 куни шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилган.

Тайинланган жазони умумий тартибли колонияларда ўташи белгиланган.

АБВга нисбатан эҳтиёт чораси қамоқда сақлаш қўлланилиб, у дарҳол суд залидан қамоққа олинсин ва Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЖИЭББга қарашли 1-сон тергов ҳибсхонасига жойлаштирилган.

Тайинланган жазони ўташ муддати 2021 йил 5 март кунидан бошлаб ҳисобланиши белгиланган.

Суднинг ажримига кўра, АБВ 2020 йил 4 сентябрь куни соат 23:15 ларда яшаш манзили текширилганда, уйда йўқлиги аниқланган



ва тегишли хужжатлар расмийлаштирилган. Шундан сўнг 2020 йил 7 сентябрь куни АБВга Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 44⁴-моддасига асосан огоҳлантириш интизомий жазоси эълон қилинган бўлсада, 07.12.2020 йил куни Чилонзор тумани ИИО пробацция гуруҳини расмий равишда огоҳлантирмасдан Тошкент шаҳри ҳудудидан чиқиб Сурхондарё вилоятига бориб келганлиги аниқланган. Бундан ташқари 2021 йил 4 март куни пробацция ходимлари томонидан АБВни яшаш манзили соат 23:18 ларда текширилганда, уни уйида йўқлиги маълум бўлган ва шу ҳақда тегишли хужжатлар расмийлаштирилган.

Тақдимномада, АБВ озодликни чеклаш жазосини ўташдан бўйин товлаганлиги, келгусида маҳкум томонидан яна жиноят содир қилиниши мумкинлигини инобатга олиб, маҳкум АБВ томонидан ўталмай қолган 3 йил 11 ой 23 кун озодликни чеклаш жазосини шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштириш сўралган.

Апелляция шикоятда, адвокат Т.Уразов туман суди ажримини бекор қилишни, маҳкум жазони ўташдан бўйин товламаганлиги, АБВнинг отаси оғир онкологик касаллиги сабабли 07.12.2020 йил зудлик билан жарроҳлик операцияси қилинганлиги туфайли у пробацция бўлими ходимларидан норасмий равишда оғзаки рухсат олиб кечаси Сурхондарё вилоятига бориб келишга мажбур бўлганлиги, АБВ Чилонзор туман Навбахор МФЙ томонидан ижобий тавсифланганлиги, шунингдек унинг оилавий шароити, отаси оғир онкологик касалликка чалинган бўлиб, ҳозирда қайта жарроҳлик амалиёти (операция) қилиш учун Тошкент шаҳридаги онкологик илмий марказига олиб келинганлиги, оилада ягона боқувчилигини инобатга олиб унга тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазосини бекор қилишни сўраган.

Судлов ҳайъати иш бўйича судья З.Камоловнинг маърузасини, Тошкент шаҳар прокуратурасининг бўлим бошлиғи ўринбосари Х.Назаровнинг туман суди ажримини ўзгаришсиз қолдириш ҳақидаги хулосасини, маҳкум АБВ ва унинг ҳимоячиси адвокат Т.Уразовни апелляция шикоятини қаноатлантириш ҳақидаги фикрини, ёшлар иттифоқининг вакили Д.Тожалиевнинг апелляция шикоятини қаноатлантириш ҳақидаги фикрини тинглаб, апелляция шикоятдаги важларни иш хужжатлари билан бирга таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра суд ажримини бекор қилиб, Тошкент шаҳар Чилонзор туман ИИО ФМБ бошлиғининг тақдимномасини рад этишни лозим топди.

Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Тошкент шаҳар филиали томонидан 25.03.2021 йил тақдим қилинган маълумотномага кўра, маҳкум АБВнинг отаси Холмуротов Равшан Очилдиевичга рецидив бўлган ўсимтани олиб ташлаш учун тезкор жарроҳлик ўтказиш зарурлиги билдирилган. Ўзбекистон Республикаси ёшлар иттифоқи Марказий кенгаши муассислигидаги Ёш ҳуқуқшуносларнинг АБВга кафиллик билдириб, кафолат хатини судга тақдим қилди.

Апелляция инстанцияси, АБВнинг шахсини, қарамоғида онкологик



касалликка учраган отаси борлигини, оилада ёлғиз боқувчи эканлигини, инобатга олиб АБВга яна бир мартаба имкон бериб, унга нисбатан чиқарилган ажримни бекор қилиб, Тошкент шаҳар Чилонзор тумани ИИО ФМБ бошлиғининг тақдимномасини рад қилишни, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддасига асосан уни 2021 йил 5 март кунидан 2021 йил 25 март кунига қадар озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаган ҳар бир кунини озодликни чеклаш жазосининг бир кунига тенглаштириб чегириб ташлашни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 490, 496, 497¹¹, 497¹³, 497¹⁶, 497¹⁸-моддаларига амал қилиб, апелляция инстанцияси судлов ҳайъати

А Ж Р И М Қ И Л Д И :

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Чилонзор туман судининг 2021 йил 5 мартдаги АБВга нисбатан чиқарган ажрими бекор қилиниб, Тошкент шаҳар Чилонзор тумани ИИО ФМБ бошлиғининг тақдимномаси рад қилинсин.

Очилдиев Муслимбек Равшан ўғлининг 2021 йил 5 март кунидан 2021 йил 25 март кунига қадар қамокда сақланган ҳар бир кунини 20 (йигирма кун) озодликни чеклаш жазосининг бир кунига тенглаштириб, узил-кесил ўташ учун 3 (уч) йил 11 (ўн бир) ой 3 (уч) кун муддатга озодликни чеклаш жазоси қолдирилсин.

АБВга нисбатан қўлланилган қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси бекор қилинсин ва дарҳол суд мажлиси залидан қамокдан озод этилсин.

АБВга нисбатан иш ҳужжатлари, унга тайинланган озодликни чеклаш жазоси ижросини амалга оширувчи органга юборилсин.

Апелляция шикоятни қаноатлантирилсин.

Раислик қилувчи имзо 3.Нурматов

Ҳайъат судьялари: имзо А.Шамсутдинова

имзо 3.Камолов

Аслига тўғри:

